

МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ № 14-СОНЛИ ШАРТНОМА

Қўрғонтепа тумани

« 28 » январ 2022 й.

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Қўрғонтепа тумани Мактабгача таълим бўлими Номидан низом асосида фаолият олиб борувчи В.В.б Х.Мадаминов бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи “SAHOVAT ASL TAMINOT” МЧЖ номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи А.Махкамбоев бошқа томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг Номи	Лот №	Ўлчов бирлиги	миқдори	нархи	Умумий суммаси
1	Шакар		кг	733	8800	6450400
2	Тухум		дона	6228	900	5605200
3	Канд		кг	171	20000	3420000
4	Чой		кг	16,5	25000	412500
5	Перловка		кг	165,5	4500	744750
6	Макрон		кг	250,8	5000	1254000
7	Гречка		кг	240	13000	3120000
8	Ош тузи		кг	175	1000	175000
9	Нухат ёрмаси		кг	152	6500	988000
10	Тварог		кг	141	14000	1974000
11	Пахта ёғи		кг	312	16000	4992000
12	Маний ёрмаси		кг	82	6000	492000
13	Мева қиёми		кг	177	10000	1770000
14	Махаллий ун 1-нав		кг	262	2800	733600
15	Товуқ гўшти		кг	290	19000	5510000
16	Сок		кг	200	4000	800000
17	Кефир		кг	716	6000	4296000
18	Сут		кг	2986	4000	11944000
19	Сариеғ 82.5%		кг	476	35000	16660000
20	Мол гўшти		кг	1438,5	65000	93502500
	Жами					164 843950

1.2 Шартноманинг умумий суммаси 164 843 950 Бир юз олтимиш тўрт миллион саккиз юз қирк уч минг тўққиз юз эллик сўм.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1 “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлини масида рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан

30 % миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 10 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва б. асбидида тўлайди.

2.2 “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3 “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТга мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4 “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5 Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6 Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7 Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Буюртмачининг ҳуқуқлари:

3.1.1 Етказиб берувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш: Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларидан бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

3.1.2 Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофиқ тегишли сифат ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш.

3.1.3 Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш; камчиликларни беғараз бартараф этиш;

3.1.4 Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1 мазкур шартномага мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

3.2.2 товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3 Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.3.1 “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

3.3.2 Буюртмачидан жойлаштирилган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4 Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

3.4.1 Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари вამеёрларидан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан

четга чиқишга йўлқўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларини бегараз бартараф этиш.

3.4.2 Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1 Буюртмачи:

4.1.1 савдоларни ўтказиш учун Тақдим этилган ҳужжатларини ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги жавобгардир:

4.1.2 томонлар ўртасидаги шартнома Мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.1.3 Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

4.1.4 Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.1.5 Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.1.6 Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.2 Етказиб берувчи:

4.2.1 савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги,

4.2.2 миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

4.2.3 савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

4.2.4 тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.2.5 Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар хақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган

товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцелтсиз тартибда ундириб олинади.

4.2.6 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ-бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2.7 Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ехуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ехуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2 Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3 Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1 Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар киради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4 Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Ушбу шартномала томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома фазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил “31” декабригача** амал қилади

8.2 Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3 Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”

«SAXOVAT ASL TAMINOT» МЧЖ

“БУЮРТМАЧИ”

Кўргонтепа туман МТБ

Манзил: Кўргонтепа туман, янги хаёт МФЙ

Банк номи: «Ўзсаноат қурилиш банк
Андижон филиали

Ш.х.в.100022860032207091100251037

Банк номи: Марказий банк

МФО: 00075 СТИР:309046465

МФО:00014 СТИР: 305156560

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги

Газна х/в: 23402000300100001010


Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош
бошқармаси ХККМ

МФО: 00014, Фазначилик бўлинмаси СТИР:

201122919

Рахбар В.В.б

Х.Мадаминов



№р: 20208000305461583001

Рахбар

А.Махамбоев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**
№ LM45187827

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

“Saxovat asl ta’minoti” MCHJ bilan maxsulot yetkazib berish to‘g‘risidagi 14-sonli shartnoma

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

Qo‘rg‘ontepa tumani maktabgacha ta’lim bo‘limi tomonidan 28.01.2022 yilda mazkur shartnoma loyihasi tuzilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil «31» yanvar

Qo‘rg‘ontepa tumani yuridik xizmat
ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti:



Sh.Ne‘matov